

Давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари) ҳамда жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 18-19-моддаларида Марказий банкнинг олий органи Марказий банк бошқаруви эканлиги ва Марказий банк бошқаруви тўққиз нафар кишидан иборат бўлиши белгиланган.

Бунда Марказий банк бошқаруви таркибига икки нафар мустақил аъзо кириши кўрсатилган бўлиб, уларни Марказий банк раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши тасдиқлайди.

Марказий банк бошқарувининг мустақил аъзолари банк-молия соҳасида чуқур билимга ҳамда узоқ йиллик иш тажрибасига эга етук мутахасислардан шакллантирилиб, Марказий банк фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб бериши ва уни бошқариши жараёнида жамоатчилик назорати ва ўрнини оширишига хизмат қилади.